

Алишер Навоийнинг ўзбек тилидаги мактублар тўплами бўлган “Муншаот” асаридаги турли вактларда, турли кишиларга ёзган хатларининг адресати кўрсатилмаганилигига карамай, уларнинг баъзиларини мазмунига караб, кайси шахсга битилганлигини аниклаш мумкин.

Мактубларнинг мазмуни, тилга олинган баъзи тарихий воеалар ва муаллифнинг мактуб шахсига нисбатан салбий ёки хайрихохлик муносабатларидан келиб чикиб айтиш мумкинки, уларнинг аксарияти Султон Хусайн Бойкаро ва унинг сарой ахпилларида ёзилгандир. Шунингдек, бир нечта мактуб Хусайн Бойкаро ўгиллари (Бадиуззамон, Шоҳ Гариф Мирзо ва бошкамалар) номига битилган. Бу мактублар хам давр таказоси туфайли ёки Навоийнинг уларга бўлган самимий муносабатининг ифодаси сифатида майдонга келгандир.

“Муншаот” даги 55-мактуб ана шундай мазмун эътибори билан жуда харакгерлидир. Унда Навоий ўз мактубини йўллаётган шахсга давлатни идора этиш борасида кимматли таклифларни баён этганки, бу ёзилганлардан унинг илгор фикрли, окил ва хушёр давлат арбоби эканлиги яна бир бор намоён бўлади. Шу боисдан Навоийнинг хаёти ва ижтимоий фаолиятини ёритувчи бир катор илмий асарларда мазкур мактуб тилга олинади. Бирок, таассуфки, ана шу илмий рисола ва маколаларда бу мактубнинг адресати турлича талкин килинади. Чунки, тарихчи Р.Н.Набиевнинг “XV аср Мовароуннахрнинг иктисадий-сиёсий хаёти тарихидан” номли маколосида “Алишер Навоийнинг давлат ва уни идора этиш хакидаги прогрессив гояларини ифодаловчи бу мактуб Хусайн Бойкаронинг ўглига ёзилган” дейилса, кейинги йилларда майдонга келган “Ўзбек адабиёти тарихи” (Н.Маллаев), “Навоийнинг калб дафтари” (И.Султонов), “Буюк даҳо мактублари” (Х.Алихўжаев) ва “Адолат пешаси” (Й.Абдуллаев) каби рисола ва маколаларда ўша мактуб шахсан Султон Хусайн Бойкарога ёзилган, деб кўрсатилади.

“Ўзбек адабиёти тарихи” беш томлигининг II-томидаги Навоий “Муншаот”ига багишлиланган кисмида (бу кисмни навоийшунос С.Ганиева ёзган) бу мактуб Бадиуззамонга ёзилганлиги таъкидланади.

Мактубнинг адресати аслида ким? Бизнингча, бу саволга жавобни мактубнинг ўзидан кидириш максадга мувофикдир.

Мактубда Навоий давлатни идора этишда нималарга амал килиш кераклигни санаб ўтар экан, бу кўрсатмаларнинг баъзиларини “юкори” сўзи билан бўглик жумлалар оркали ифода этади. Яъни: “Яна улким, юкоридан хар навъ хукм етса, агар куллий ва агар жузвий-вактида хукм йўсини била ишга файсал берилмай, агар килгулук иштур, хукм йўсини била килинса, агар мұяссар бўлмас бўлса хам жавобин бот (юкорига-Ю.Т.) арздошт килиб юборилса.

Яна улким, хар турлук арздоштким юкори битилса, “насх ва таълик” хати билан андок хоко битилсаким ўкурда кишига ташвиш етилса...”

Навоийнинг ана шу каби таклиф ва кўрсатмалари шахар ва вилоят доирасида амалга оширилиши лозим эканлиги яккол кўзга ташланиб туради:

“Яна улким, шахар эҳтисоби (назорат иши) амрида яхши эҳтимом килинса,...

Яна улким судурга хукм бўлсинким, шахар масожидин эҳтиёт килиб, имом, муаззиндин

махалла ахлин сўруб, балким хат олиб, намозга таргиб килсинлар,...

Яна улким судурга хукм бўлсинким, вилоят авкофидан (вакф килинган ерлардан) хабардор бўлсинлар,...”

Бу баён килинган фикрлардан кўринадики, хат йўллаётган шахс мамлакат эгаси эмас, вилоят хокимиdir. У “юкори”дан, мамлакат хукмдоридан бўладиган фармонларни ўз вактида бажарса ва “юкори”га, мамлакаг эгасига, юбориладиган хат-хужжатларни “насх ва таълик” хати билан ёзилса, деган таклиф-истак айтилмоқда.

Мамлакат эгаси ким бўлиши мумкин? Бу шубҳасиз, мактубнинг бир канча ўринларида тилга олинаётган Мирзо, яъни Султон Хусайн Бойкародир. Бунга хам мактубнинг уладан далил келтирицҳ мумкин.

“Яна улким, -дейилади маклубнинг бир ўрнида, Мирзо навкарлариким, анда куллукка маш-улдирлар. Мирзо навкарлиги хайсиятидан (Мирзо аскарлари бўлганлиги учун-Ю.Т.) иноят ва хурмат алар бобида кам бўлмаса, лекин баходирлиги биридин зохир бўлса, бозхост ва сиёsatда маъзур тутилмаса”.

Афтидан, Хусайн Бойкаро кандайдир сабабларга кўра мазкур вилоятга ўзининг бир микдор навкарларини колдирган ёки юборган. Бу навкарлар давлатники бўлганлиги туфайли ва, колаверса, Султон Хусайннинг оталик хурматини ўрнига кўйиш учун уларга “иноят ва хурматни” кўпроқ килиш керак. Борди-ю уларнинг, яъни навкарларнинг бирортаси тарафидан интизомни бузиш холати юз берса, бу давлат хавфсизлигига дахлдор иш хисобланиб, ундан кишини жазолашдан четда колдири маслик керак.

Макубда тилга олинаётган Мирзо, яъни ота-Султон Хусайн Бойкародир, деган хуносага келишимизга яна бир далил бор. Бу тубандаги жумлалардир:

“...Аммо саъии килсаким, жаъми умурда тенгри таоло ёдидин гофил бўлмаса. Мирзони даги кўрулса, то бу икки ши мужиби саодати дину дунё бўлса”. Яъни, барча ишларда Худони ёдда саклаш билан бирга ота хотирини хам унутмаслик керак. Бу икки иш билан дин ва дунё саодатига эришилса. Бундай фикр Навоийнинг шахзода Бадиuzzамонга ёзган бир хатида кенгрок берилган: “Пайгамбар саллаллоҳу алайхи ва саллам буюрубдирларким, тенгри таоло ризоси ота ризосига вобастадур ва тенгри таоло газаби хам ота газабига вобастадур. Бас, киши ота ризосини хосил килса, тенгри таоло ризосини хам хосил килиш бўлгай ва ота газабига учраса тенгри таоло газабига учралиш бўлгай”.

Кўринадики, хат Хусайн Бойкарога эмас, унинг ўғилларидан бирига, кайси дир вилоят эгасига ёзилган.

У ким ва кайси вилоят эгаси бўлиши мумкин?- Бу саволга хам мактубдан айрим ишоравий ўринлардан ва бошка мактубдаги ёзилганларга киёслаш билан жавоб топиш мумкин.

Мактуб йўлланаётган хукмдор тасарруфидаги ерлар ва у ердаги ахоли хаёти, хатточи бу вилоятдаги хар бир даханинг ўзига хос турмуш тарзи билан Навоий якиндан танинш кўринади. Шунингдек, мазкур вилоятнинг асосий иши, диккат эътибори чегараларни мустахкам тутиб туриш эканлигини у яхши тушунади:

“Яна улким, атроф ва жавонибдаги элнинг арздошли келса, боз узагур элни кўп мавкуф килинмаса. Хар кайсига ўз хўрд холига кўра илтифот килиб, ботахис Мир Зайнобиддин жонибиким, риоят багоят вожибдур...

Яна улким, ул вилоятларнинг бир куллий иши дахонларнинг (чегарадан кириш жойларининг) забтидур (кўлда тутиб туришдур). Бу махалда кўнгул тиламасдек амре викиъ эмас, дахонларда андок мазбут (ишончли) кишилар кўюб, андок мустахкам ва мазбут килилсаким, наузу биллоҳким, агар амре (бир иш) ходис бўлсаки, мужиби

тараддуди хотир бўлса, дахонлар тарафидин хотир бикуллий жам бўлса”.

Демак, мазкур вилоятда Навоийнинг ўзи бир неча муддат яшаган ва у ер Хусайн Бойкаро давлатининг чегара вилоятларидан биридир. Бу вилоят кўшни мамлакатлардан Ирокка чегарадош бўлганлиги туфайли ана шу мамлакатдан бўладиган хавф-хатарларниш олдини олиш учун у ерга хушёр ва сезгир кишиларни юбориш, бирор хавф-хатар сезилса зудлик билан “юкорига”, мамлакат амдорига хабар килиш жоизлигини силликрок тарзда уқтиради:

“Яна улким Ирок мамлакатига фоҳимлик, хушлик кишилар йибориб, доим хабар Ттутилса, Арз килур йўсунлик хабарларни арздошт килиб, юкори йиборилса, ул бобда (юкоридан-Ю.Т.) не хукм бўлса анга кўра килилса”.

Бу ёзилганлардан мактуб йўлланаётган шахс Навоийнинг ўзи салкам икки йил хокимлик килган, Хуросон давлатининг муҳим чегара пунктларидан бўлмиш Астробод хокими шахзода Бадиuzzамон бўлиши мумкин, деган хulosага келамиз.

Шу ўринда “Муншаот”даги биз сўз юритаётган мактубдан олдин берилган, мазмунидан кейинги вактлардаги (1495-1496) воеалар сабабли ёзилганлиги очик кўриниб турган бир мактубдан Навоий битган куйидаги сўзларни эслаш жоиз кўринади: “Холоким (Мирзо-Ю.Т.) Астрободдан бориб, яхши навкарлар кўшиб, Сизни йибордилар ва бу хабарлар Ирокдин келурини ва кумаклар (беришингизни-Ю.Г.) хаёл килиб эрдилар. Хам маҳдумзодалардан ва хам беклар ва ичкилардан ва хам соийир халк сиздин андок кўз тутар эрдиларким, агар Ирок вилояти фатх бўлса, доги хизматкорлиг, бандалигингизни улугрок килгаймиз”.

Демак, бундан аввалги тилга олинган “анда куллукка машгул” навкарлар Хусайн Бойкаро томонидан хавф-хатар тугдириб турувчи Кўшни мамлакат Ирокка юриш килишида Астрободга ёрдамчи куч сифатида юборган ва у ўглп Бадиuzzамондан катта “кўмаклар ва хизматкорлиглар”ни кутган.

Шундай бўлгач, сўз юритилгани мактуб Хусайн Бойкарога эмас, балки унинг ўгли, Астробод хокими шахзода Бадиuzzамонга ёзилган бўлиб чикади.

ЮСУФ ТУРСУНОВ